

“O‘ZYO‘LKO‘KALAMZORLASHTIRISH”

unitar korxonasi

U S T A V I

I. Умумий қоидалар

1. “O`zyo`lko`kalamzorlashtirish” unitar korxonasi (кейинги ўринларда – “Корхона”) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Автомобиль йўлларининг архитектура-ландшафт қурилиши ва кўкаламзорлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3262-сонли қароридан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – “Муассис”)нинг 2017 йил 12 сентябрдаги 111-сонли буйруғига асосан Муассиснинг 2017 йил 30 майдаги 52-сонли буйруғи билан ташкил этилган “Avtoyo`lko`kalamzorlashtirish” unitar korxonasi негизида қайта ташкил этилган.

2. “O`zyo`lko`kalamzorlashtirish” unitar korxonasi
“Avtoyo`lko`kalamzorlashtirish” unitar korxonasi ning хуқуқий вори си хисобланади.

3. Корхона Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2776-сонли қарори ва 2017 йил 11 сентябрдаги “Автомобиль йўлларининг архитектура-ландшафт қурилиши ва кўкаламзорлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3262-сонли қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг ташкилий тузилмасига киритилган.

4. Корхонанинг тўлиқ номи:

ўзбек тилида – “O`zyo`lko`kalamzorlashtirish” unitar korxonasi (қисқартмаси – “O`zyo`lko`kalamzorlashtirish” УК);

рус тилида – Унитарное предприятие “Узйулкукаламзорлаштириш” (қисқартмаси – УП “Узйулкукаламзорлаштириш”).

5. Корхона давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади ва унинг фаолият муддати чекланмаган.

6. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси “O`zyo`lko`kalamzorlashtirish” unitar korxonasi ning Муассиси хисобланиб, “O`zyo`lko`kalamzorlashtirish” unitar korxonasi Муассиснинг унитар корхонаси хисобланади.

7. Корхонани ва унинг таркибий бўлинмаларини сақлаш ҳаражатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Корхона ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Муассиснинг қарорлари, фармойишлари ва буйруқларига, мазкур Уставга ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

9. Корхона ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида амалга оширади ва бевосита Муассисга бўйсунди.

10. Корхона Уставига ўзгартиришлар Муассиснинг қарорига кўра киритилади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

11. Корхона Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ўз номи давлат тилида ёзилган думалоқ муҳрга, бланкаларга, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банкда ҳисоб рақамларига, шунингдек хорижий валюта ҳисоб рақамига эга бўлади.

12. Корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

13. Корхона давлатнинг бошқа корхонаси муассиси бўлишга ҳақли эмас.

14. Корхонанинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68-уй.

II. Корхонанинг мақсади ва асосий вазифалари

15. Корхонанинг асосий мақсади – ўзаро шартномалар асосида автомобиль йўлларининг четларини ободонлаштириш, манзарали кўчатлар экиш, автомобиль йўлларининг атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш ҳисобланади.

16. Қуйидагилар Корхонанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

– умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларига қарашли чегарадаги йўл бўйи ҳудудларни сақлаш;

– автомобиль йўлларининг замонавий архитектура-бадиий қурилиши ва ландшафт дизайнини, яшил экин экиш ва суғоришнинг илғор ва ресурсларни тежовчи технологияларини жорий этган ҳолда ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш;

– республика ҳудудларида декоратив ўсимликлар кўчатларини етказиб беришга, шу жумладан хориждан декоратив ўсимликларнинг янги навларини олиб келишга ихтисослашган декоратив ўсимликлар кўчатхоналарини ташкил этиш;

– тегишли автомобиль йўллари ҳудудларини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва керакли даражада сақлаш ишларига, зарур ҳолларда ихтисослашган ташкилотларни жалб этиш;

– йирик шаҳарларнинг марказий кўчаларига, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларга кўкаламзорлаштириш ва ўсимликларни парвариш қилиш бўйича шартномалар асосида хизматлар кўрсатиш ҳамда қонун билан таъқиқланмаган бошқа ишларни бажариш;

– ўзаро шартномалар асосида автомобиль йўлларининг четларини ободонлаштириш, манзарали кўчатлар экиш, автомобиль йўлларининг атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш;

– кўкаламзорлаштириш объектларига хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш, дарахтлар, буталар, гуллар ва кўкаламзорлаштирилган

майдончаларни таъмирлаш ҳамда улар бўйича зарур агротехника ишларини амалга ошириш;

– ўзаро шартномалар асосида корхона ва ташкилотларга автомобиль йўлларининг четларини ободонлаштириш, манзарали кўчатлар экиш, автомобиль йўлларининг атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш хизматларини кўрсатиш;

– игнабаргли ва манзарали ўсимликларнинг турларини етиштириш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаб қолиш ишларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш, яшил майсаларни етиштириш, уларнинг зараркунандаларига ва касалликларига қарши курашишга доир комплекс агротехника тадбирларини, хизмат кўрсатиладиган ҳудудни янада кўкаламзорлаштириш ва обод қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

– замонавий асбоб-ускуналар ва технологияларни жорий этган ҳолда сунъий суғориш ва фавворалар тизимларидан фойдаланиш;

– ишлаб чиқаришни техникавий ва ашёвий таъминоти, аниқ иш бажарувчини танлаш, иш ҳақи тўлашни ўрнатилган тартиб ва усулларни қўллаш, ишчи хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш ва ўзини-ўзи бошқариш масалаларини мустақил ҳал қилиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини бажариш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

– Корхона ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш, меҳнат жамоаларининг ижтимоий ҳаётини яхшилаш учун шароитлар яратиш;

– улгуржи, чакана савдо;

– фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

17. Лицензия ёки махсус рухсат талаб қилинадиган фаолият турлари, ўрнатилган тартибда лицензия ёки махсус рухсат олингандан сўнг амалга оширилади.

III. Муассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

18. Муассис қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Корхона фаолиятининг мақсади, вазифалари, функциялари, предмети, турларини белгилаш;

Корхона Уставини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш;

Корхона директорини ўрнатилган тартибда тайинлаш, у билан меҳнат шартномасини тузиш ва тузилган меҳнат шартномасини белгиланган тартибда муддатидан олдин бекор қилиш;

Корхонани қайта ташкил этиш ва (ёки) тугатиш, номини ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Корхона мулкига оид битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш;

Корхонанинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни белгиланган тартибда олиб қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

Корхона соф фойдасини тасарруф этиш ва уни сарфлаш йўналишларини белгилаш;

Корхонага етказилган зарарларни ундириш тўғрисида Корхона директори ва Корхона таркибидаги тузилмавий корхоналар раҳбарларига нисбатан даъво тақдим этиш;

Корхона ва унинг таркибидаги тузилмавий корхона ва ташкилотлар бошқарув аппарати ташкилий тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Муассис томонидан Корхонага берилган мулк ҳисобидан фойдаланишдан тушган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган барча ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш.

19. Муассис қуйидагиларга мажбур:

Корхона директорини ўрнатилган тартибда тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ директор билан меҳнат шартномасини тузиш;

Корхонага берилган мулкдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш.

IV. Корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

20. Корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Республика йўл ҳўжалиги фаолиятидаги барча масалалар бўйича тегишли давлат бошқарув идораларига таклифлар, фикр-мулоҳазалар киритиш;

ишлаб чиқаришнинг моддий-техник таъминоти масалаларини мустақил ҳал қилиш;

аниқ иш турларининг ижрочисини танлаш;

меҳнат унумдорлигини ошиши ва ишларнинг сифатини таъминлайдиган меҳнатга ҳақ тўлашнинг турли шакллари қўллаш;

меҳнат жамоасининг ижтимоий ривожини масалаларини ҳал қилиш;

белгиланган тартибда банклардан турли кредитлар олиш;

давлат органлари, уюшмалар, корхоналар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Корхона таркибига кирувчи тузилмавий корхона ва ташкилотлар манфаатларини ҳимоя қилувчи вакил бўлиш;

таркибига кирувчи тузилмавий корхона ва ташкилотларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятидан олинган соф фойдалари ҳисобидан Муассис билан келишилган ҳолда марказлашган жамғармалар ташкил қилиш, ҳамда Муассиснинг марказлашган жамғармасига ушбу корхона ва ташкилотларнинг соф фойдаси ҳисобидан ўрнатилган ажратмаларни (тўловларни) йиғиб марказлашган ҳолда тўлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган барча ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш.

21. Корхона директори Корхонанинг яқка ижро этувчи органи ҳисобланади ва Корхона олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, Корхона номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ифода қилади. Корхона номидан битимлар тузади ва уларни

белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлайди, ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва бекор қилади, буйруқлар чиқаради, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради.

22. Корхона директори Корхонага юклатилган вазифа ва мажбуриятларга мувофиқ Корхона фаолияти ташкил этилиши учун шахсан жавоб беради.

23. Корхона бошқарув ходимларининг штат бўйича сони ва уларнинг лавозим тариф разрядлари Корхона директори томонидан Муассис билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

24. Корхона директори Муассис олдида Корхона Уставида белгиланган тартибда Корхона фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

25. Корхона директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Корхона манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан Корхонага берилган мулк йўқолган тақдирда, Корхонага етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

26. Корхона ўз таркибидаги тузилмавий корхона ва ташкилотлар томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўловларнинг, корхона ва ташкилотлардаги ишчи-ходимларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўз муддатида амалга оширилишини ташкиллаштириш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Шунингдек, Корхона ўз таркибидаги тузилмавий корхона ва ташкилотларнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини тўлиқ мониторингини юритади, дебитор ва кредитор қарздорликларнинг ошишига, корхона ва ташкилотлар томонидан асосиз харажатларга йўл қўйилмаслиги бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

27. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Корхонага берилган мулкдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш;

таркибидаги тузилмавий корхона ва ташкилотлар томонидан молиявий маблағлар, энергия ресурслари, ишлаб чиқариш қувватлари ва техникалардан самарали фойдаланилишини ташкил этишга;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига қатъий равишда риоя қилиш.

V. Корхонанинг устав фонди

28. Корхонанинг устав фонди Муассис томонидан ажратиладиган ҳамда Корхона томонидан харид қилинадиган асосий воситалар ҳисобига шакллантирилади ва 5 000 000 (беш миллион) сўмни ташкил этади.

29. Корхонанинг устав фонди Муассиснинг қарорига мувофиқ кўпайтирилиши ёки камайрилиши мумкин. Устав фондининг кўпайтирилганлиги ёки камайрилганлиги Корхона уставига бу ҳақда тегишли ўзгартириш киритилиб, ушбу ўзгартиришлар Муассис томонидан тасдиқланган ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга киради.

30. Корхонанинг устав фондини кўпайтириш Муассиснинг қўшимча улушлари ҳисобидан ёки Корхона соф фойдаси ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Корхона устав фондини Корхона соф фойдаси ҳисобидан кўпайтириш тўғрисида қарор Корхонанинг ушбу қарор қабул қилинадиган йилдан олдинги йилги бухгалтерия ҳисоботи маълумотларига асосан қабул қилинади. Корхона устав фондини камайтириш Муассис қарорига асосан амалга оширилади.

31. Корхона мулки давлат мулки ҳисобланади, ҳамда:

Муассис томонидан Корхонага бириктирилган (берилган) мулк;
Корхонанинг ўз фаолиятидан олинган даромадлари;
қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбаалар ҳисобига шакллантирилади.

Корхона мулкининг қиймати унинг мустақил балансида акс эттирилади.

32. Корхона мулки бўлинмас мулк ҳисобланади.

33. Корхона мулкни тасарруф этиш қуйидаги ҳолларда Корхонанинг директори томонидан фақат Муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади:

асосий воситаларни баланسدан чиқариш, сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;

мулкни бошқа хўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида қўшиш;

хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;

хўжалик жамиятларидаги Корхонага тегишли акциялар (улушлар)ни сотиш;

мулкни Корхона фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

VI. Корхонанинг фойдаси

34. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Корхона ҳисобида қоладиган соф фойда унинг ихтиёрида қолади.

35. Корхона соф фойдасини тасарруф этиш Муассис билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

36. Корхона ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига Муассиснинг розилиги билан заҳира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

37. Муассис билан келишилган ҳолда Корхонада ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш ҳамда ижтимоий мақсадларда фондлар ташкил этилиши мумкин.

38. Корхона Муассиснинг марказлашган жамғармасига соф фойдаси ҳисобидан тўловларни тўлашни ўрнатилган тартибда ташкил қилади.

VII. Корхонанинг жавобгарлиги

39. Корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради.

Корхона Муассис ва Корхона таркибидаги тузилмавий корхона ва ташкилотларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Муассис Корхона ва унинг таркибидаги тузилмавий корхона ва ташкилотларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

VIII. Корхона фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш

40. Корхонани Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси раисининг автомобиль йўлларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосари — “Ўзйўлкўкаламзорлаштириш” унитар корхонаси директори бошқаради.

Корхонанинг директор ўринбосари-бош агроном, бош муҳандиси ва бош ҳисобчиси Муассис билан келишилган ҳолда Корхона директори томонидан тайинланади.

41. Корхона ҳисобот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

42. Корхона ҳисобот даври (чораклик, йиллик) якуни бўйича Муассисга ўрнатилган тартибда баланс ҳисоботларини (молия, бухгалтерия, статистик ва бошқа ҳисоботлар) топширади.

Корхона ўз таркибидаги тузилмавий корхона ва ташкилотлар балансларининг тўлиқлигини назорат қилади ва ҳаққонийлигига жавоб беради ҳамда ушбу масалалар учун масъул ва жавобгар ҳисобланади.

43. Корхона фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

IX. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш

44. Корхона Муассис қарори билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

X. Якуний қоидалар

45. Ушбу Уставда тартибга солилмаган масалалар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

46. Ушбу Устав қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.